



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLYI KITOB PALATASI

Shu aziz Vatan — barchamizniki

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2007-yil • 13-dekabr • Payshanba • 151 (27.796) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

«Жорий йил давомида давлат бюджетидан 4 миллиард 600 миллион сўмга яқин маблағ сарфланиб, республика миздаги 28 та «Меҳрибонлик» уйи ҳамда 86 та ихтисослаштирилган мактаб-интернатга ўзимизда — Самарқанд шаҳрида ишлаб чиқарилган 114 та замонавий автобус берилди, 4 та оилавий болалар уйи эса «Дамас» микроавтобуслари билан таъминланди».

## Обод маҳалланинг аҳил одамлари

Нафақат сайлов участкаси, балки тўй-ҳашамларда ҳам одамларнинг асосий суҳбат мавзуси Президент сайлови бўлиб қолган ҳозир. Улар кечяги ва бугунги турмуш тарзини таққослаётганлар, келажакдаги орзу-умидларини рўйбга чиқарадиган номзодни танлаб, унга овоз бериш ҳақида ўйлаётганлар...



## Қишлоқ аҳли турмуши

«Ўқувчилар ижодий маркази»даги 8 та тўғарада 300 нафар, «Био-эксан» марказидаги тўғарада 320 нафар, спорт мактабимиз секцияларида 330 нафар ёшлар ўз маҳоратларини оширишмоқдалар.

## Умид билан экилган ниҳол

2003-2006 йилларда вилоятимизда 23 та болалар спорт мажмуаси ва спорт заллари қурилиб, фойдаланишга топширилди. 7 та мавжуд спорт иншоотлари кайта таъмирланди. Бундан ташқари, хомийлар томонидан 6 та спорт қоснаси барпо этилди.



## Касаначилик одимлари



## Ёшлар «Чевар»га қанот бўлмоқда

Тошкентдаги «Чевар» АЖ касаначиликни ривожлантиришга катта аҳамият бермоқда. Корхона бу борада нафақат пойтахтимизда, балки республика бўйича ҳам энг яхши кўрсаткичларга эришмоқда.

Акциядорлик жамиятида ҳозир 300 га яқин киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг аксарияти ёшлар. 93 нафар уй бекаси учун оила шароитида ишлаш имконияти яратилган. Улар чопон, чойшаб, ёстиқ жилдлари тикиб, оила бюджетига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Касаначилик билан шуғулланаётган аёлларга меҳнат дафтари очилиши оқилган, ўрта ҳисобда 100 минг сўмга яқин маош тўланади.

— Бу ерда касаначиликни йўлга қўйиш бўйича яхши тажриба тўпланган. Уй шароитида меҳнат қилаётган аёлларга тикув дастгоҳлари ҳам етказиб берилишига ҳаракат қилаймиз, — дейди жамият бошқаруви раиси Азиз

Каримов. — Мурожаат қилувчилар, албатта, кўп, тез орада касаначилар сафи янада кенгайди.

Корхона раҳбарининг айтишича, яқинда Тошкент шаҳар ҳокимияти қарори

билан Ўрикзор мавзеси ҳудудида ярим гектар ер ажратилиб, йирик тўқима-чилик фабрикаси қуриш режалаштирилди. Бу ният амалга ошса, яна минг нафар киши иш билан таъ-

минланади, жумладан, 750 та касаначилик иш ўрни қўзда тутилган. Корхона қурилиши бошланди, у келаси йил Мустақиллик байрами арафасида ишга туширилади.



Суратларда: Шарофат Мирзаахмедова ҳамда Дилноза Турсунова иш устида; тикув цехида. Козим УЛМАСОВ олган суратлар.



## 23 ДЕКАБРЬ — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

## Президентликка номзоднинг сайловолди учрашуви

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан кўрсатилган номзод Аслиддин Рустамов 11 декабрь куни Тошкент вилояти сайловчилари билан учрашди

Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтган учрашувда вилоятнинг барча туман, шаҳарларидан сайловчилар иштирок этдилар. Йигилиши Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 11-Тошкент вилоят округ сайлов комиссияси раиси Суяр Курбонқулов олиб борди. Номзоднинг ишончли вакили, Халқ демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши раиси Сирожиддин Аъзамов йигилганларни Президентликка номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Йигилишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Аслиддин Рустамов нутқ сўзлади. Ўз дастурининг устувор йўналишлари ҳақида тўхталиб, Номзоднинг дастури аҳолининг аҳтиёжидан қатлами манфаатларини ҳимоя қилишга бел боғлаган Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Дастуридан келиб чиққани қайд этилди. Шу юрт, шу мамлакат, шу азиз Ватанинг тинчлиги, осойишталиги, барқарор тараққиоти этиши, фаровонлиги, бу заминда фуқароларнинг аҳил-тотув ва эркин ҳаёт кечириши таъминланишидан барчамиз бирдек манфаатдоримиз. Шунинг учун ҳам дастур ана шу умуммиллий манфаатларимиздан келиб чиққан ҳамда унга хизмат қилишга йўналтирилган.

Дастурдаги устувор йўналишлардан бири мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий ислохотларни янада чуқурлаштиришдан иборат. Бу борада давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг ўз ваколатлари доирасидаги аҳолини мақсадли ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалаларини ҳал этиш бўйича масъулиятини ошириш энг муҳим вазифа сифатида белгиланган. Шунингдек, оддий фуқаролар манфаатлари билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш ва самарали ҳал этишга оид қонунчилик базасини мустаҳкамлаш масалалари ўртага ташланган.

Маълумки, ҳар бир мамлакатда ижтимоий, маданий ривожланиш даражаси бевосита аҳолига уй-жой-коммунал соҳада кўрсатилаётган хизматлар ва унинг сифати, фуқароларнинг муносиб турмуш кечириши учун яратилган шарт-шароитлар билан белгиланади. Шундан келиб чиқиб, соҳада олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш масаласи ҳам устувор вазифа сифатида белгиланган. Бунда аҳолини коммунал хизматлар билан таъминлашда рақобат муҳитини ривожлантириш, уй-жой мулкдорларининг ўз уй-жойларини сақлаш ва ундан фойдаланишда мустақиллиги, манъулиятини ошириш, бу соҳада мавжуд ижтимоий боқимандалик кайфиятини бар-тароф этишга қўмаклашиш ҳал этилиши лозим бўлган асосий вазифалар ҳисобланади.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан обод ва озод Ватан, эркин жамият қуриш йўлини танлаган эканмиз, бунда кишиларнинг ўз конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини тўғри тушуниш, улардан онгли, масъулият билан фойдаланиш, ўз ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш қўнималарини шакллантириш муҳим аҳами-

ятга эга. Бу борада мазкур дастурда фуқаролар, энг аввало, аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож, кам таъминланган қатламлари ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш билан шуғулланувчи институтларни ҳар томонлама мустаҳкамлашга хиддий эътибор қаратилган.

Айни пайтда аҳолининг экологик маданияти даражасини ошириш, ҳар бир кишида ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига тўғри муносабатда бўлиш туйғусини, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ишларида манфаатдорлик билан ёндашиш фазилатларини шакллантириш бўйича давлат ва жамоатчилик дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга қўмаклашиш зарур. Ушбу мақсадларга хизмат қиладиган қонунчилик базасини мустаҳкамлаш тақдир этилаётти.

Йигилишда сўзга чиққан Ўзбекистон ХДП Чирчиқ шаҳар кенгаши раиси Дониёр Азизхўжаев, Пискент туманидаги 41-мактаб директори Машкура Райимжонова, Қибрай туман Байтўғрон қишлоқ фуқаролар йиғини хотин-қизлар кенгаши раиси, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Дилором Салимова, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Татьяна Коваль ва бошқалар юртимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар, ижтимоий ўзгаришларга ўз муносабатларини билдирдилар. 23 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига барчани фаол иштирок этишга чақирдилар.

Бехзод ШУКУРОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

## Индонезия делегацияси Ўзбекистонда

Мамлакатимизга ташриф буюрган Индонезия Халқ вакиллари кенгаши Спикери Агунг Лаксоно раҳбарлигидаги делегация аъзолари 12 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Эркин Халилов билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Индонезия парламентларининг ўзаро алоқалари ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашуварларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

— Барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётган Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тарафдоримиз, — деди А.Лаксоно.

Ўзбекистон ва Индонезия олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳоли ва иштиқоли юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Томонлар парламентлараро алоқаларни янги босқичга қўриш учун барча имкониятлар мавжудлигини қайд этиб, мазкур йўналишдаги ҳамкорликни янада фаоллаштиришга келишиб олдилар.

Шу кунги Индонезия парламенти делегацияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Илғизар Собиров билан музокара ўтказди. Учрашув чоғида икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашда парламентлараро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Индонезия делегацияси аъзолари Ўзбекистоннинг икки палатали парламенти фаолиятини билан танишдилар.

Мехмонлар «В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш биричилиши» давлат акционерлик жамиятида бўлиб, мамлакатимиз авиасозлик сановати фаолияти билан яқиндан танишдилар. А.Лаксоно Ўзбекистон авиасозлик сановати бўйича катта тажрибига эга эканини қайд этди.

Делегация аъзолари Темиурйилар тарихи давлат музейида бўлиб, Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатларни кўздан кечирдилар.

(ЎЗА)

## Муносабат

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда Президентимиз Ислам Каримов томонидан 2008 йилнинг мамлакатимизда «Ёшлар йили» деб эълон қилиниши навқирон авлод ҳаётида қувончли воқеа бўлди.

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ ўсиб келадиган ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ташкил этилиши, «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» мусобақаларини ўз ичига олган уч босқичли спорт тизимининг йўлга қўйилиши, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг тузилиши, ҳарбий хизматни намунали ўтаб қайтган йигитларга олий ўқув ортиларига киришда имтиёз берилиши ва бошқа кўплаб чора-тадбирлар замирида ана шундай эзгу мақсад мужассам. — Юртимизда ёшларнинг замон талаблари даражасида таълим-тар-

бия олиши, ҳар томонлама камол топиши, ёруқ келажаги йўлида амалга оширилаётган ишлар самарасини самарқандлик ёшлар ҳаёти мисолида яққол кўриш мумкин, — дейди «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгаши раиси А.Пардаев. — Айни пайтда вилоятда еттига олий, 131 та ўрта махсус ўқув юртлири, 1216 та мактаб ва юздан зиёд мактабдан ташқари таълим муассасалари ишлаб турибди. Мазкур таълим масканларида ёшларнинг пухта билим олиши, касб-хўнар эгаллаши учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган. Айниқса, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури асосида чекка қишлоқларда ҳам замонавий мактаблар, коллеж ва лицейларнинг қад ростлабтгани

## Навқирон авлод камолоти йўлида

ёшларга ўз иқтидор ва имкониятини тўла намойён қилишга йўл очди. Мамлакатимизда илк бор Самарқандда Ёшлар маркази, шунингдек, унинг қошида ижтимоий хизматлар маркази фаолиятининг йўлга қўйилгани ҳам ана шу юксак эътибор самарасидир. Ёшларнинг бундай қўлини янада ошириш тўғрисидаги қароридан сўнг янги босқичга кўтарилади. Яқинда вилоят ёшларидан 13 нафари «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати

хамкорлигида ўтказилаётган «Келажак овози» танловининг мамлакат босқичида ғолиблар сафидан жой олди. Ёшлар йили деб эълон қилинган келгуси йилда эса бундай ютуқ ва муваффақиятлар салмоғи янада ортади.

— Биз — ёшларга кўрсатилаётган алоҳида эътиборни барча тенгдошларим, қолаверса, ўз ҳаётим мисолида теран ҳис қиламан, — дейди Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти талабаси Феруз Зоҳидов. — Истиқлол туфайли бунёд этилган замонавий касб-хўнар билтимларим туфайли 2006 йилда «Келажак овози» танловига ғолиб бўлдим ва жорий йилда институтга имтиёзли қабул қилиндим. Бунинг барчаси Ортбошимиз раҳнамоллигидан олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, эътибор ва ғамхўрлик самарасидир.

— Президентимизнинг шу йил 18 майда қабул қилинган «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони биз каби мустақил ҳаёт бошлаган ёшлар учун катта имконият яратиб берди, — дейди Самарқанд шаҳрида яшовчи Ю.Бобоев. — Ипотека банкнинг вилоят бошқармасидан берилган имтиёзли кредит ҳисобидан икки хонали квартира сотиб олдим. Бундай ғамхўрлик учун беҳад миннатдорим.

Шуни таъкидлаш жоизки, жорий йилда вилоятдаги икки мингдан зиёд ёш оилаларга 4,5 миллиард сўмлик ипотека ва истеъмол кредитлари берилди. Кириб келаётган 2008 йил — Ёшлар йилида бундай эзгу ишлар қўламини янада кенгайтириш мўлжалланмоқда.

Ғ.ҲАСАНОВ, ЎЗА муҳбири.





Кино

# Муқаддас юрт ҳимояси

Режиссёр Жаҳонгир Қосимовнинг «18-квadrat» фильмини кўриб, кўнгилдан кечган мулоҳазалар

Сўнги йилларда «Ўзбекино» агентлиги томонидан суратга олинган фильмлар орасида Ватанимизнинг узок ва яқин ўтмишидаги тарихи, аёнана-қадриятларимиз, буюк аждодларнинг ҳаёти ва мероси, қолаверса, юрт соғинчи, ҳарбий ватанпарварлик мавзусидаги картиналарга кенг ўрин берилмоқдаки, бу жараён миллий кино санъатимиздаги изланишлар янада фаоллашганидан дарак беради. Чунки, бу сайи-ҳаракатлар ўларок дунёга келган «Севги», «Ватан» каби кенг кам-

тоғларда ўтган Зиёдовнинг бу отрядга беихтиёр қўшилиб қолиши жангнинг зудлик билан бар-тароф этилишига замин бўлади. Аммо кутилмаганда вазият кескин тус олади...

Бизга маълум аскарят ўзбек детектив кинофильмларидан фарқлиқ, уруш ва отишма картиналари «18-квadrat» фильмида ҳақоний суратга олинган. Бунда киножодкорлар билан бирга Мудофаа ва Ички ишлар вазирликларининг тегшли бўлиналари суратга олишда иштирок этгани фильм жонли-

қаттиққўлликни талаб этади. Актёр Тохир Саидов ижросидаги ушбу образда баъзан «теща тегмаган» эркакча гаплар ўрнига, қувноқ табассум, шунга мос ифодалар жуда қойилмақом талқин этилганини кўзатамиз.

Милиционер Тош ака характерида дўста меҳрибон, душманга эса аксинча ўз исмига муносиб рўянат мужассамлашган. Актёр Саид Мухторов сўнги кадрларга кинофильмнинг драматург қўрилиши бошқариб боради. Бойси, у ўз ижроси билан гўё воқеанинг асл иштирокчиси сифатида томошабин қаршисида намойён бўлади. Буни биз бош қаҳрамон сценарийдаёқ ҳар жиҳатдан тўлиқ характер билан таъминлангани, яъни тоғ одамларига хос чўртқасарлиги, ўзбекна характери, мардлиги каби хислатлар билан ифода этилганида кўраимиз.

Фильмда режиссёр, оператор ва актёрлар ҳамжиҳатлиги намойён бўлган кадрлар беҳисоб. Қолаверса, тоғ қишлоғининг гўзал табиати, посбонларнинг сергаклиги билан тонг отиришлари, душман тараф билан олиб борилган жанг лавҳалари фильмнинг драматургик сижетига муҳим ўрин эгаллайди.

Шу ўринда «18-квadrat» фильми яратилганига кўп вақт бўлмай, қатор муваффақиятларни кўлга киритаётганини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Яқинда Россиянинг Волоколамск шаҳрида ўтказилган «Волоколамский рубеж» 4-халқаро кинофестивалида ушбу фильм «Миллий ўзига хосликка кара-



ровли фильмларда аввало инсон эрки, у қаерда яшамасин ўз юртидан, Ватанидан узокда ҳеч вақт хотиржам бўлолмастлиги гоиси етарлича талқин этилгани билан томошабинлар эътиборини қозони.

Яқинда ҳарбий ватанпарварлик мавзусидаги фильмлар каторидан яна бир янги фильм — «18-квadrat» ҳам жой олди. Киорежиссёр Жаҳонгир Қосимов бошчилигидаги ижодий гуруҳ яратган мазкур фильмда илк бор террорчи тўдаларга қарши кураш мавзуси чуқур талқин этилди. Ўзбек аскарларининг ёвуз босқинчиларга қарши олиб борилган очик жангдаги фидойилиги, жасуриги акс этган ушбу кинохикая баландларвоз сўзлардан холи, томошабин диққатини долзарб мавзунинг моҳиятига қаратиши билан аҳамиятлидир. Шу боис ҳам фильм намойиш этилаётганига ҳеч қанча вақт бўлмай, бу асар ўз атрофида мухлислардан иборат улкан доирани ташкил эта олди.

Фильмда режиссёр, оператор ва актёрлар ҳамжиҳатлиги намойён бўлган кадрлар беҳисоб. Қолаверса, тоғ қишлоғининг гўзал табиати, посбонларнинг сергаклиги билан тонг отиришлари, душман тараф билан олиб борилган жанг лавҳалари фильмнинг драматургик сижетига муҳим ўрин эгаллайди.



лари ҳам босқинчиларга қарши олиб борилган ҳаракатлар туфайли орзулигича қолганлигини кўраимиз...

Назаримизда, ёзувчи Мурод Мухаммад Дўст қаламига мансуб мазкур фильм сценарийси бош ва етакчи образларнинг кинематографик талқини, характерлар ранг-баранглиги, қаҳрамонлар тилининг халқчил, айни вақтда бадийлиги билан эътиборлидир. Киноасарда факулда содир бўлган жанговар операция отряднинг бошқарувчиси майор Алиевдан ўта зийраклик, аниқ ва тўғри қарор қабул қилиши, кези келганда

май, ватанпарварлик мавзусини барчага тушунарли тарзда қамраб олгани учун» номинацияси бўйича махсус диплом билан тақдирланди.

Дарҳақиқат, тарбиявий-маърифий аҳамиятга эга мазкур фильм орқали ўзбек киносида илк бор терроризмга қарши дидил сўз айтилди. Биз фильм муаллифлари, бир гуруҳ актёрлар ва бошқа ижодий ҳамкорлар ҳамжиҳатлигида яратилган бу фильм келгусида яратила-жақ янги-янги асарларга пойдевор бўлиб хизмат қилади, деган умиддамиз.

Шоҳида ЭШОНБОЕВА

Баркамол авлод орзуси

# Иқтидорли ёшлар тақдирланди

Бугунги кунда Тошкент педагогика коллежиди 1500 нафарга яқин йигит-қиз бошланғич таълим ва мактабгача таълим йўналишлари бўйича тахсил олмақда. Таълим муассасасида ёшларнинг чуқур билим олишлари, интеллектуал салоҳиятини оширишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Эътиборлиси, коллеж талабалари нафақат ўқишда, балки жамоат ишлари, турли нуфузли танловларда ҳам ўз иқтидорларини намойиш этиб келишмоқда. Жумладан, таълим даргоҳи ёшлари шу йилнинг 29 майида ўтказилган «Барҳаёт аъёнлари» кўриқ-танлови республика босқинчида муваффақиятли қатнашиб, Гран-прига са-



зovor бўлдилар. Шунингдек, яқинда коллеж талабаларидан Шоҳида Шарипова, Моҳидил

ёт, таълим ва санъат йўналишлари бўйича танловнинг шаҳар босқинчига йўланма олишди. Кўни кеч коллежда иқтидорли ва аълочи ёшларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда ўқишда ва жамоат ишларида, спорт мусобақаларида турли танловларда муносиб натижаларга эришаётган унлаб йигит-қизлар Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Чилонзор туман ҳокимлиги, коллеж маъмурияти томонидан таъсис этилган эсдалик совғалар билан тақдирландилар.

Суратда: коллежнинг иқтидорли талабаларидан бир гуруҳи. Козим ЎЛМАСОВ олган сурат.



Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузурда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилганига беш йилдан ошди. Айни пайтда вилоятларда ушбу жамғарманинг филиаллари фаолият кўрсатаёпти. Мазкур тизим томонидан Сурхондарё вилоятида болалар спортини оммавийлигини таъминлаш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда? Қандай ижобий ўғарилшлар юз бераёпти? Шулар ҳақида жамғарманинг вилоят минтақавий филиали ижрочи директор Илҳом Абсаторов қўйидагиларни гапириб берди:

— Чекка қишлоқларда замонавий жиҳозланган болалар спорт мазмуни барпо этилиши, ёш авлоднинг оммавий равишда спортга жалб қилиши ва уларни Ватанга муҳаббат, ғурур, ифтихор руҳида тарбиялаш жамғарманинг асосий вазифаси қилиб белгиланган.

2003-2006 йилларда вилоятимизда жамғарма томонидан 23 та болалар спорт мажмуаси ва спорт заллари қурилиб, фойдаланишга топширилди. 7 та мавжуд спорт иншоотлари қайта таъмирланди. Бундан ташқари, ҳормилар томонидан 6 та спорт кошонаси барпо этилди.

Манзилли дастурга киритилган барча объектларда қурилиш ишларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини назорат қилиш ҳамда белгиланган муддатда фойдаланишга топширилишини таъминлаш мақсадида доимий мониторинг ташкил этилган. Натижада жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатида жами 2132,3 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. 20 та иншоотни фойдаланишга топшириш ҳақида Давлат қабул комиссия-

Хушxabар

## Янги меҳмонхона

Қашқадарё воҳасининг энг чекка тумани Нишонга келганимизда бизни бир меҳмонхонага тақлиф қилишди. Очиги, ҳозир ҳамма туманларда ҳам меҳмонхоналар мавжуд, лекин замонавий шароит яратилганини кам учратасиз.

— Божхонада ишлаيمان, — дейди биз кўнган меҳмонхонада ҳарбий зобит либосини кийган ёш йигит. — Хизмат сафарига келган эдик, шу жойда туриб-миз. Янги қурилган экан, аммо хоналари яхши жиҳозланган.

— Буни тадбиркор Холли ака Элов қурдилар, — дейди меҳмонхона ходимаси Зулхумор Мухторова. — Жами 14 ўринли меҳмонхонамизнинг ҳозир ми-жозлари кўпайиб қолди.

Дарҳақиқат, тадбиркор қурган меҳмонхона туман марказида ягона, қўшқаватли. Мебелларни ҳам маҳаллий усталар ясагани кўришиб турибди. Кейинги пайтларда кўркам ва замонавий бўлган бундай хусусий меҳмонхоналар кўпайиб бораётгани олис туманларда хизмат кўрсатиши сифатини яхшилашда кўл келмоқда.

Юнус УЗОҚОВ

# Умид билан экилган ниҳол


Ўз мевасини бераёпти. Вилоятдаги умумтаълим мактаблари ўқувчилари орасидан чемпионлар чиқмоқда

сининг далолатномалари расмийлаштирилиб, жамғармага тақдим этилди. Бойсун туманидаги 17-, Денов туманидаги 62-, Қумқўрғон туманидаги 29-, Узун туманидаги 10-мактаб, Бойсун туманидаги 7-мактаб спорт заллари шулар жумласидандир.

Шу йилнинг ўтган даври мобайнида жамғарма томонидан 138,5 миллион сўмлик зарур спорт анжумани ва инвентарлари олиб келиниб, мактаблар спорт залларини жиҳозлаш ўзини берилди. Шунингдек, кам таъминланган, кўп фарзандли, ижтимоий мададга муҳтож



оилаларнинг ўқувчи-фарзандларига 136,2 миллион сўмлик спорт кийимлари тарқатилди.



Жамғармамиз ташаббуси билан вилоятда ўқувчи-ёшлар, хотин-қизлар ўртасида спортни янада ривожлантириш, қолаверса, аҳолининг барча қатламларини соғломлаштириш мақсадида йил давомида турли хил спорт мусобақалари ўтказиб келинмоқда. Кези келганда шунини мамнуният билан айтиш жоизки, қилинаётган сайи-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Болалар ўртасида спортга меҳр уйғонапти. Ҳозирги пайтда вилоятимиз таълим муассасаларида тахсил олаётган 483056 нафар ўқувчидан 172936 нафари, яъни 35,8 фоизи дарсдан бўш вақтларида жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиб келаётганлиги бунинг далилидир.

Вилоятимизнинг унлаб мактаб ўқувчилари ўзлари ёқтирган спорт турлари бўйича республика чемпионати ва биринчиликларида голиб чиқишгапти. Жумладан, кураш бўйича ўтказилган республика биринчилигида биргина Денов туманидаги 4-мактабнинг 3 нафар ўқувчиси — М.Чориева, Х.Чориева, К.Зириновалар ўз вази бўйича 1-ўринни эгаллашди. Термиз шаҳридаги 1-мактаб ўқувчиси Д.Рустамова енгил атлетика бўйича Ўзбекистон биринчилигида голиб бўлди. Шерободлик Ш.Абдуллаев, қумқўрғонлик И.Хайриддинов, жарқўрғонлик О.Янгибоев эса кикбоксинг ва таэквондо бўйича ўсмирлар ўртасида республика чемпионларидир. Бундай имидли спортчи фарзандларимиз эришган ютуқлар билан фахрлансак арзийди.

Қурбон ЖўРАНАЗАРОВ  
ёзиб олди.

Нуфузли халқаро «The Banker» журнали

Акциядорлик тижорат «Пахта банк»ни

Ўзбекистоннинг 2007 йилги энг яхши банки

деб эътироф этди, шунингдек, «Пахта банк»

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари орасида «Fitch Rating» халқаро рейтинг компаниясининг «Барқарор» тоифасидаги тўлиқ рейтингини олган биринчи банкдир.

«Пахта банк» — бу пойтахтдан бошлаб давлатимизнинг чекка ҳудудларига ҳам ўзининг филиалларига эга бўлган йирик банкдир.

«Пахта банк» — бу 77 000 дан зиёд акциядорларига ҳамда 460 000 га яқин миқозларга хизмат кўрсатувчи ишончли ва универсал банкдир.

Банк хизматларида чегара йўқ!

Сизни миқозларимиз орасида кўришдан хурсандимиз!

«Пахта банк» — фаровонлигиниз калитидир!

<b>BOSH MUHARRIR:</b>	
Safar OSTONOV	
<b>TAHRIR HAY'ATI:</b>	
Abdulla ORIPOV Latif G'ULOMOV Asliddin RUSTAMOV Bobir ALIMOV Sharbat ABDULLAYEVA Turobjon JO'RAYEV Feruz NAZIROV Murodulla ABDULLAYEV Ulug'bek MUSTAFOYEV Norqobil JALIL (Bosh muharrir o'rinbosari) G'afvor HOTAMOV (Bosh muharrir o'rinbosari) Muslihidin MUHIDDINOV Nomoz SA'DULLAYEV Svetlana GERASIMOVA Andrey KUSTOV Ochilboy RAMATOV Saidahmad RAHIMOV	
<b>MUASSIS:</b>	
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI	
<b>BO'LIMLAR:</b>	
Partiya hayoti	133-10-13
Madaniyat va sport	133-69-45, 133-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot	133-20-36, 133-44-55 (Tel. Faks)
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot	133-12-56
Kotibiyat	133-72-83, 136-55-17
Reklama va e'lonlar	133-38-55, 133-47-80
<b>VILOYAT MUXBIRLARI:</b>	
Andijonda —	25-32-70
Buxoroda —	222-10-92
Gulistonda —	25-22-32
Jizzaxda —	5-49-85
Navoiyda —	223-83-73
Namanganda —	6-43-43
Nukusda —	222-70-15
Samarqandda —	35-20-54
Urganchda —	226-51-35
Farg'onada —	26-43-62
Denovda —	8-37641-23-780
<b>MANZILIMIZ:</b>	
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY. e-mail: info@uzbekistonovozi.uz	
Navbatchi: Ravshan SHODIYEV	
Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV Sobirjon TUNG'ATOV	
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi. Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.	
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taqob. Gazeta sahifasi, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib boshish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.	
F — 1150 7929 nusxada bosildi 1 — 11jorat materiallari O'zA yakuni — 21.15 Topshirilgan vaqti — 21.30 1 2 3 4 5 6 7	
Sotuvda erkin narxda	